



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

13 июль 1971 йил, сешанба

№ 159 (15.029). Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV
С Ъ Е З Д И
Қ А Р О Р Л А Р И Н И
А М А Л Г А
О Ш И Р А М И З



КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган му-
собақада Тошкентдаги шарикоподшипник заводининг ишчилари Т. Ми-
лляр ва Г. Денислова ўртоқлар (юқорида) коллектив уртасида пеш-
намадан килмоқдалар. Смена топириқларини 130 процентга етказиб
адо этмоқдалар. Пастдаги суратда: Олмалик рух заводининг техника
назорати бўлими контролёр И. Наежда Меркушева тайёр маҳсулотни жу-
натишга ҳозирлик кўрмоқда. А. Тўраев ва И. Глауберзон фотолари.

С Ъ Е З Д Б Е Ш Й И Л Л И К В А И Ш Ч И



Юнус ЮСУПОВ.

Самарканд область, Каттақўрғон шаҳридаги Куйбишев
номли ё-мол комбинатининг слесари, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIV съезди делегати

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОН» АНКЕТАСИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

1. КПСС XXIV съезди ва унинг қарорлари
шахсон сизда қандай таассурот қолдирди? Сиз
нималар кўпроқ қизиқтирди ва тўқинлаш-
тирди?

Саволга жавоб беришдан аввал ўзим ҳақи-
да икки оғиз сўз айтишчи бўлдим. Ётим ўсгал-
ман. Ота-она эсломмайман, отамдан барвақт
ажралганман. Шаҳарга келиб хунари мактаби-
да ўқидим. Кейин ё-экстракт заводига ишга
кирдим. Слесарлик кила бошладим. Бу элли-
тинчи йилдан олдинги гап.

Кўнлар оқар сувек ўтаверар экан. Йил-
лар ўтди. Завод реконструкция қилиниб ке-
нгайтирилди, комбинатга айланди. Йиллаб чи-
қариладиган маҳсулот турлари кўпайди. Мен
ҳам комбинатнинг форпресс цехида ишлаб,
ёнг юзори разрядда имтиҳон топишдим. Партия
қабул қилинди. 1965 йилда Меҳнат
Қизил Байроқ ордени, бултур Ленин юбилейи
медали билан тақдирланди. Цех партия таш-
килотининг секретари бўлиб сайланганман.

Бир неча йилдан бери Каттақўрғон шаҳар партия
комитетининг аъзоси, кейинги конферен-
циядан буён шаҳарком бюроси аъзосиман.
Шунча ҳурмат-этибор устига партиянинг
XXIV съездида ҳам делегат қилиб сай-
ландим. Мамлакатимизнинг пойтахтида бўлиб
қайтдим. Олган таассуротларим жуда-жуда
кўп. Съезд тарих саҳифасига олтин боб бўлиб
ёзилса арзийдиган воқеа бўлди. Турмушимиз
фаровончилигини ошириш, халқ ҳўжадчилигини
янада ривожлантириш, тилчиллик мустақам-
лашнинг мўлжаллаб катта программа тузилди.
Партиямиз Марказкомнинг Ёш секретари
Леонид Ильич Брежневнинг ҳисобот доклады-
да янги беш йилликдаги улкан вазифалар,
мамлакатимизнинг янада ёркин истиқболи ба-
тафил, оқин-ойдин айтиб берилди. Бу таасу-
ротларимни хурсандлик билан ишчиларга ҳи-
соби қилиб бердим.

2. Сизнингча, ўз ўзидан қандай, цех ва кор-
хонамизда тўққизинчи беш йиллик планла-
рини муддатидан олдин бажариш учун со-
циалистик мусобақага яна қандай яхшироқ
ташқил этиш мумкин?

Меҳнатнинг таги роҳат дейдилар. Меҳнат
инсоннинг эйбати, у кишига бахт келтиради,
шухратида оширади. Назаримда социалистик
мусобақа кишига қанот берадиган нарсас. Қа-
ерда мусобақа яхши йўлга қўйилса, оммавий-
лаштиришга ўша ерда катта ютуқлар қўлга
кириштилади, планлар ошириб бажарилаверади.

Корхонамизда мусобақанинг қадрига етиш-
ди. Ишчи ва хўжалиқчилар мусобақалашиб меҳ-
нат қилишди. Коллективизмнинг кўпчили-
к аъзоси КПСС XXIV съезди қарорларини ўқиб
ўрганганидан сўнг зиммаларига қўшимча маж-
буриятлар қабул қилинган. Мусобақанинг
бориши, олинган мажбуриятларнинг бажари-
лиши ҳар ўн кунда ҳисоб-китоб қилиб тури-
лади. Ғолиблар мунтазам тақдирланади. Ва-
лентина Соснова, Мардон Тўраев каби прес-
ловчилар Анна Корсенко, Роза Исҳоқова си-
ғари ҳом ашқ қорувчилар сўнгги пайтларда
ишчи қўйил қилиб ҳаммага яхши бўлишди.
Бундай номлари ҳурмат тахтасидан тушмай-
диган ишчилар съездан кейин янада кўпайди.

Саккизинчи беш йилликнинг муваффақия-
ти бажарилиши, тўққизинчи беш йиллик-
нинг дастлабки олти ойи плани муддатидан ол-
дин ўрилганида мала шу мусобақанинг
ҳиссаси катта бўлди. Қўшимча равишда тон-
на-тонналаб совун, ўсимлик мойи ва бошқа
маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Корхонамиз
доҳий тузилган кўннинг 100 йиллиги олдидан
реперларнинг ленинчи қўннинг. Ўнлаган
ёди. Бу тадбир яхши самара берди. Ташаббу-
слимиз давом эттиришчи. У ишлаб чи-
қариши янада яхши йўлга қўйилса ёрдам
берди.

3. Саккизинчи беш йилликка қандай ҳисса
қўйилди?

Форпресс цехимизни комбинатнинг юраги
десам ниҳоятинан. Цех кучли машиналар
билан таъминланган. Ўнда 10 та қозон ва 18
та пресс машинаси бор. Хар неча-кундада
700 тонна чигит қайта ишланади. Қўрилиб
турибдики, комбинатимизнинг қолган участка-
ларида ишнинг бориши аввало бизга боғлиқ.
Хар сменада белгиланган миқдордаги чигит-
дан мағзини акратиб бермасак, қолган цехла-
рилар нормал ишломлайди. Бекор туриб қи-
лишлари ҳам мумкин.

Мен навабчилик қиладиган сменада цехи-
мизнинг иш ёмон бўлаётгани йўқ. 78 киши-
дан иборат смена коллективи топириқларини
ошири билан бажаради. Собик шоғирларим,
хўзир 83 йилнинг устаси бўлиб мени чикарган
Хўшмурад Нўдодов, Усмон Исломов ва Ва-
силь Пондбосковскийлар бошлик бўлган смена-

ларда ҳам иш жуда яхши бўлади. Хар кун
комбинат бўйича чигитдан 150 тоннагача
ўсимлик мойи ажратилади. Саккизинчи беш
йиллик план муддатидан олдин адо этилди.
қўшимча 1 миллион 75 минг сўмлик маҳсу-
лот берилди.

4. Тўққизинчи беш йилликка қандай режа-
лар тузилди? Шахсий беш йиллик планни-
гизни қайчада бажармоқчисиз? Нималар ҳи-
собига, қанақа резервларингиз бор? Меҳнат
унумдорлигини бундан ҳам кўтарасизми?

Слесарь ўзи хизмат қиладиган участкада
машина ва механизмларнинг қандай ишла-
шини кузатиб боради. Унинг бир меҳрада иш-
лашини таъминлайди. Биз форпресс цехида
4 киши наваб билан ишлаймиз. Хар бири-
ми тўққизинчи беш йилликка шахсий план-
лар тузганмиз, мажбуриятлар олганмиз. Кол-
лективизм беш йиллик планни тўрт ярим
йилда бажаришди. Мен тўрт йилда бажариш-
га сўз бердим. Цехимиз беш йилликнинг ке-
йинги йилларида бир неча-кундада 800 тон-
нагача чигит қайта ишлаганча ўлтуриши ке-
рак. Бунда коллективнинг ташаббускорлиги,
резервларини самарали фойдаланишнинг ўзи
кифой қилмайди. Хар бир ишчи меҳнат вақ-
тининг ҳар дақиқасини умумий фойдаланиш-
га ўрганиши керак. Бизда ишга берадиган
келиш одатга айланган. Шунинг ўзидан анча
вақтини тежаб қолаймиз.

5. Қандай муаммоларни ҳал қилишда сиз-
нингча корхонамиз амалий ёрдамга муҳтож?
Корхонамиз ҳомини пахта заводларидан
олади. Қайчалар, Сурхондар, Хоразм, Бў-
ҳоро областларидаги пахта заводлари ҳам биз-
га чигит юборишди. Корхонамизнинг ҳом-
аси билан мунтазам таъминланиб туриши
ишлаб чиқариш тартибининг нақий амалга
оширилишини таъминлайди. Шунинг назарда
тутиб запас ҳом ашени сақлаш учун маҳсу-
самборлар қурилан.

Янги беш йилликка зимманимизда катта иш-
лар турибди. Тўққизинчи беш йилликка чи-
гитдан мой чиқариш бир мунча кўпайиши,
яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори
19,8 процент кўпайиши, айниқса кир совути
ишлаб чиқариш 43 процент ортиши керак.
Илгари ҳар ўн сменада 45 тонна совун ишлаб
чиқариладиган бўлса, 1972 йилдан бошлаб у 90
тоннагача етказилди. Лекин уни ишлаб чи-
қаришга тўла имконият бўлгани билан совуни
жойлашга янги тегиш билим билан қийна-
лаш қийнаган. Янги цехи анча кенгайтирил-
ди. Лекин бу цехни тахта билан таъминлаб
ўлтуриш мумкин. Тоға ёр ишлаб чиқариш 27
процент кўпайтириш режалатанг лекин уни
жойлаш учун ишча кам. Бу масалалар араз-
мас бўлсада, маҳсулотни реаллаштириш киши-
ни суғлаштирмоқда. Бу қийинчиликларни ен-
гишда корхонамизга конкрет амалий ёрдам
керак деб ўйлайман.

6. Корхонамизда ишлаб чиқаришни ташқил
етиш ва бошқариш даражаси шу кўннинг та-
лабига жавоб бера олдинми? Уни яхшилаш
нишончалари ҳақида нима деясиз?

Комбинатимиз республикадаги энг катта,
обрули ё-мой норхоналаридан биридир. Иш-
лаб чиқариладиган мой, кир совунларнинг си-
фати яхши. Маҳсулотларимизнинг ҳўжона
манзур бўлаётгани шундан далолат беради.
Комбинатда ишлаб чиқариш ҳам дуруст таш-
қил эгитилган. Планларнинг бажарилиши кўп-
тилди.

Партия ва ҳўкуматимиз маҳсулот ишлаб
чиқаришга қўлайтиришда асосан ички нико-
нотлардан фойдаланишни маслаҳат беришди.
Меҳнат унумдорлигини ошириш мўҳим вази-
фа қилиб қўйилмоқда. Онгнинг айтганда ком-
бинатимизда меҳнат унумдорлиги планлари
бажарилаётган бўлса ҳам, ундан менинг кўн-
лим тўлаётган йўқ. Хали комбинатимизда
қўл билан бажариладиган юмшлар бор. Ма-
шиналарни зудлик билан ишлаб чиқаришга
солиб юборишда ҳам батыан сустлашқин қи-
ламиз. Бундай камчиликларнинг бироптасига
ҳам йўл қўйиш комбинатимиз коллективи
шаъни учун, унинг маъмурияти учун яраш-
майдиган иш деб ўйлайман.

Комбинатимизда хар биримизнинг тур-
мушимизга зарур бўлган ҳамма нарсас бор. Ле-
кин саволда ҳамма нарсатга таъйинли нуқта-
назардан қарашига диққат қилинган. Биз «ё-
тиёж севадиган батын нарсаларга комбинати-
миз маъмурияти етарли этибор бераётгани-
ни айтишим керак. Бир неча йилдан бери
Каттақўрғон сув омбори қирғоғида ишчилар
учун дам олиш уни қурилатди, Ленин унинг
битини ҳам анча қўзғайди кетайди. Тезроқ
битса айни кўнглимиздаги иш буларди.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

ҚАРИШИ («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Бу ерда
область кишлоқ ҳўжалик хўдимларининг кенгаши бўлди. Қашқа-
дарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Гойбов
қишлоқ ҳўжалик маҳсулотни етиштиришга қўлайтириш учун ва беш
йиллик план топириқларини муддатдан илгари бажариш учун
колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг мусобақаси қандай бораётган-
лиги тўғрисида ахборот берди.

Кенгаш қатнашчилари областдаги барча қишлоқ меҳнаткашлари-
га мурожаат қабул қилдилар. Улар бу мурожаатда бу йил 335 минг
тонна «оқ олтин» олиш учун, барча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари
етиштиришни қўлайтириш учун курашни қўлайтиришга даъват
этилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига
кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи
секретари Ш. Р. Рашидов нўтқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САФАР

Италия ташқи ишлар минис-
три Альдо Моро 11 июлда Ўз-
бекистон ССР Министрлар Со-
вети Раиси Н. Ж. Худойберди-
ев ҳузурига бўлди. Министр-
нинг ҳамроҳлари у билан бирга
келишди.

Н. Ж. Худойбердиев дўстона
суҳбат вақтида республиканинг
ҳўжалик ва маданий қурилиш-
да эришган муваффақиятлари
ҳақида, ленинча кишлоқ иш-
лаш амалга оширишнинг самар-
али натижалари тўғрисида
меҳмонларга сўзлаб берди.

Альдо Моро Ўзбек дўрида
ўн ва ўз ҳамроҳлари сазимий
қўлиб олинганлиги учун ташак-
кур изҳор қилди. У Ўзбекистон-
нинг экономика ва маданиятини
ривожлантириш соҳасида эриш-
ган муваффақиятларига юксак
баҳо берди.

Италиялик меҳмонлар Тош-
кент бўйлаб сайр қилдилар, ша-
ҳардаги янги қурилишларни,
иттифоқдор республикаларнинг

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг очилиши тўғрисида

Саккизинчи қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг
биринчи сессияси шу йил 15 июлда эртада соат 11 да Ўзе-
кистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар за-
лида очилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 14 июлда
соат 9 дан 14 гача ва соат 17 дан 20 гача Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга
олинди.

ТОШКЕНТ МОНГОЛ Д Ё С Т Л А Р Н И Қ У Т Л А М О Қ Д А

12 июлда Тошкент шаҳри
Монголия тинчили ва дўстлик
ташкилотлари федерацияси ва
Монгол — Совет дўстлиги на-
мий делегациясини шўнча
кутиб олди. Делегация Монго-
лия Халқ Революциясининг 50
йиллигига бағишланган Совет —
Монгол дўстлиги ойларида қи-
нашқин учун мамлакатимизга
келиди.

Делегация состави-
да ташқил давлат ва партия
хўдимлари, революцион кураш
ветеранлари, меҳнат илгирлари,
Монгол — Совет дўстлиги на-
мийнинг активлари бор. Де-
легацияда Монголия Халқ Ре-
волюциясининг аъзоси, Монго-
лия Халқ Республикаси Минис-
трлар Совети Раисининг ўринбосари,
Монгол — Совет дўстлиги
жамияти президиуми раисининг
ўринбосари Ц. Пунцагноров
бошликлик қилмоқда. Деле-
гация билан бирга Монголия
Халқ Революциясининг партияси
Марказий Комитетининг аъзоси,
Монголия Халқ Республикаси-
нинг СССРдаги аъхвосаси
маслаҳатчиси М. Чимиддорж
ҳам Тошкентга келди.

Делегация Ўзбекистон ССР
Олий Совети Президиумининг
Раиси Н. М. Матчонов ҳузур-
ида бўлди.

Қардошларча дўстлик вази-
янда ўтган суҳбат вақтида Н. М.
Матчонов Совет ҳўкимияти йил-
ларида Ўзбекистонда рўй бер-
ган ўзгаришлар тўғрисида, рес-
публика меҳнаткашлари КПСС
XXIV съездининг тарихий қа-
рорларини муваффақиятли
амалга ошириш учун қандай
курашаётганлиги ҳақида меҳ-
монларга сўзлаб берди.

Делегация аъзолари Ўзбеки-
стон пойтахтидаги янги қури-
лишларни бориб кўрдилар,
Ўзбекистон ССР халқ ҳўжали-

ги ютуқлари кўргазмасини до-
маша қилдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари
Монголия халқ революцияси-
нинг 50 йиллигини таънавал
нишонламоқдалар. Тошкент
шаҳар жамоатчилигининг 12
июлда бўлиб ўтган йилги
кардош халқини шу байрамга
бағишладилар. Йилгишда Мон-
голия тинчили ва дўстлик та-
шкилотлари федерацияси билан
Монгол — Совет дўстлиги на-
мийнинг делегациясини аъзо-
лари қатнашдилар. Бу делегация-
да Монголия Халқ Революция-
сининг Марказий Комитети-
нинг аъзоси, Монголия Халқ
Республикаси Министрлар Со-
вети Раисининг ўринбосари Ц.
Пунцагноров бошликлик қилмоқ-
да.

Йилгилини Тошкент шаҳар
партия комитетининг секретари
Р. К. Шоньматов очди.

Йилгишда доклад қилган
Тошкент область партия комитет-
ининг биринчи секретари
М. М. Мусахонев Монголия ре-
волюциясининг тарихий аҳа-
мияти тўғрисида гапирди. Мон-
голия Халқ Республикаси ярим
аср мобайнида босиб ўтган шо-
ли йўл ҳақида муфассал сўзлаб
берди.

Докладчи СССР билан МХР
ўртасидаги қардошларча алоқа-
ларини мустақамлашганини аққол
миқдор билан қўрсатиб ўтди.
Бу алоқаларини барча чоралар
билан кенгайтириш совет хал-
қи билан монгол халқининг туб
манфаатлари, жаҳон соци-
алистик системаси бирлиги ва
жиселигини, Осиёда ва бутун
дунёда тинчили янада мустақ-
камлаш манфаатларига бата-
мом мос бўлиб тушмоқда. Ўзе-
бекистон ала шу алоқаларини
ривожлантиришга анчагина
ҳисса қўшмоқда. У мутахассис-
лар тайёрлаш, эконоимка ва

маданиятнинг турли соҳаларини
юксаттиришда МХРга ёрдам
бермоқда. Монголияда Ўзбеки-
стон маданияти кўплари ва Ўзе-
бекистонда Монголия мадания-
ти кўплари Совет — Монголия
дўстлигини мустақамлашга ёр-
дам берди.

Ўртоқ М. М. Мусахонев рес-
публиканинг барча меҳнаткаш-
лари номидан қардош монгол
халқига социалистик қурилиш-
да янги-янги муваффақиятлар
тилиди.

Йилгишда Ц. Пунцагноров
нўтқ сўзлади. У монгол халқи-
га яхши ният ва истак изҳор
этган Ўзбекистон меҳнаткаш-
лари самийи миннатдорчилик
билдирди. Монголия Халқ ре-
волюциясининг 50 йиллигини
монгол халқи билан бирга бу-
тун Советлар мамлакатини кенг
қўламада нишонлаётганлиги жу-
да мўҳим фактир, деди.

Йилгиш аҳли делегация
бошлигининг революциядан ке-
йин монгол халқининг ҳаётида
рўй берган катта-катта ўза-
ришлар тўғрисида, МХР билан
Совет Иттифоқи халқлари ўрта-
сидаги буюқ дўстлигининг самар-
адорлиги ҳақида, монгол ком-
мунистлари, МХР барча меҳ-
наткашларининг марксизм-ле-
нинизм билан пролетар интерна-
ционализмга беҳад садоқати
тўғрисидаги гапларини эътибор
билан тингладилар.

Ц. Пунцагноров Совет —
Монголия қардошларча алоқа-
ларини ривожлантиришда Ўзе-
бекистон ўйнаётган мўҳим рол-
ни айтиб, республика меҳнат-
кашларига коммунистик қури-
лишда янги-янги муваффақият-
лар тилиди.

Йилгишда Ўзбекистон Ком-
партияси Марказий Комитети-
нинг секретари О. У. Салимов,
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари
М. Т. Турсунов қатнашдилар.

Йилгиш қатнашчилари учун
байрам концерти қўйиб берил-
ди. (ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

Г. И. ПАВЛОВГА «ЎЗБЕ-
КИСТОН ССРДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН ҲИЗМАТ
КЎРСАТГАН ҲИЗМАТ
ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ
ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали педа-
гогик фаолияти, ўқитувчи
кадрларга таълим бериш ва
тарбиялашдаги хизматлари,
халқ маорифи органларида
олиб борган катта иктимоний
чидлари учун пенсияер Гаври-
ил Иосифович Павловга «Ўзе-
кистон ССРда хизмат кўр-
сатган ўқитувчи» фахрий унвони
берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

1971 йил, 12 июль,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

С. М. МУТАЛЛИБОВГА
«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗ-
МАТ КЎРСАТГАН ҲИЗМАТ
КЎРСАТГАН ҲИЗМАТ
ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ
ТЎҒРИСИДА

Филология фанни ривож-
лантириш ва иллий кадрлар
тайёрлашдаги катта хизматлари
учун Ўзбекистон ССР Фанлар
академияси А. С. Пушкин номи-
ли тил ва адабиёт институти-
нинг катта иллий хўдими, фи-
логия фанлари доктори Солиҳ
Муталлибович Муталлибовга
«Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган фан арабои» фахрий
унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

1971 йил, 12 июль,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми партия органла-
ридаги кўп йиллик самарали
иш учун ва туғилган кўннинг
олтинчи йил тўлиши муносабати
билан Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети ташқилий-
партиявий ишлар бўлимининг
сектор бошлиги Владимир Про-
кофьевич Белинин Ўзбекистон
ССР Олий Совети Президиуми-
нинг Фахрий ёрлиғи билан му-
кофотлади.

ҲАР ТУПДА 4-5 КЎСАК

«Йил бошида Ғўзор районидаги
«Партия XXII съезди» колхозда
70 гектар янги ер очилди, қишлоқ
ҳўжалик оборотида киритилган
эди. Бу ерда Рауф Қиёмов бош-
лиқ пахтачилик бригадаси деҳқон-
чилик қилляпти. Бригада ҳар гек-
тар пахта майдонидан 35 цент-
нердан ҳосил қўйишга эҳди би-
лан меҳнат қилмоқда.

Шу пайтгача ғўзаларга тўрт
март комплекс ишлов берилди,
икки марта қондириб сўтирилди.
Ҳўзир ғўзалар 4-5 тадан кўсак
туғди.

Н. ҚҮРБОНОВ.

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ҚИЗҒИН

АНДИЖОН. Ҳўжаобод райони-
даги К. Маркс номи колхозининг
чорвадорлари ем-хашак тайёр-
лашни қизғин олиб бормоқдалар.
Шу кўнларда кўлаб дағал ха-
шак тайёрланмоқда. Бу ишга кол-
хознинг барча меҳнаткашлари
жалб этилган. Ҳосилдон Ҳасанов,
Иброҳимжон Ашуров, Йўлдошбой
Турсунқулов, Нишанбой Қодиров
сингари комсомол-бшларнинг ҳар
бири кўнига 60-70 бордан дағал
хашак тайёрлаб, бошқаларга иб-
рат бўлмоқда. Колхоз чорвадор-
ларининг аҳди бу йил 40 тонна
дағал хашак тайёрлашдир. Бу ул-
кан мақсад йўлида колхознинг
комсомол ёшлари бир ёқадан
бош чиқариб фидокорона меҳнат
қилишмоқда.

У. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТОЖИК ПАХТАКОРЛАРИ ҲУЗУРИДА

ДУ



Ангрен шаҳрининг жамоли кундан-кунга очилиб бормоқда. Янги-янги турар-жой, маданий-مائий бинолар ва кўрнам хибонлар шаҳар ҳуснига ҳуси қўшмоқда. Суратда: шаҳар марказининг шу кунги кўриниши. А. Тўраев фотос.

ШАХТЁРЛАР ДИЁРИ

Бундан 25 йил муқаддам «Ангреншахтострой» ишчилар посёлкиси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан шаҳарга айлан-тирилган эди. Чорак аср кўп вақт эмас, Лекин шу давр ичи-да собик ишчилар посёлкиси ҳар томонлама юксалди, ривож-ланди ва социалистик шаҳарга айланди. Ангрен шонли шахтёр-лар, шижоатли бинокорлар шаҳ-ридир. Унинг ривожланиши, юк-салиши Ўрта Осиёдаги энг йи-рик кўмир конининг ўзлаштири-лиши билан боғлиқдир.

Шахримизни дўстлик шаҳри деб атасак ҳато қилмаймиз. Ангренни унда яшаётганлар-нинг турли миллат кишилари эканлиги унунгина эмас, балки уни Ватанимиз учун энг оғир кунларда, Улуғ Ватан уруши йилларида кўпчилик қургани учун ҳам дўстлик шаҳри деб аташмиз. Ангрен шахтиси ва Тошкент — Ангрен темир йў-лини қуришда республикамиз-нинг турли областларидан кел-ган 15 минг ишчи ва кол-хозчи қатнашган. Ангрен кўмир конини ўзлаштириш учун умумхалқ юриши ани-шу тариқа бошланган эди. Дастлабки тўққиз ой ичи-да 6 мингдан зиёд аҳоли айланидиган кончилар посёлки-си вужудга келди. 3-шахта ва кўмир разрез траншееси қу-рилиши бошлаб юборилди. Шу билан бир вақтда йўллар, уй-жойлар, коммунал ва ёрдамчи хўжаликлар қурила бошланди.

Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистонда ташкил этилган кўмир базасининг аҳамияти янада ортиди. 1942 йилда бу ер-

АНГРЕН ШАХРИ 25 ЁШДА

да Охунбобоев номли 1-шах-та фойдаланишга топширилди. Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли 1943 йилда иккинчи ва учинчи шахталар, 1944 йилнинг охирига бориб 8-шахта ишга туширилди. Уруш йилларида Оҳангарон кончилари 281,3 минг тонна кўмир қазиб чиқариб, респу-блика саноат корхоналарини ёқили билан таъминлаб тур-дилар.

Саҳий ўзбек ерининг табиий бойликлари туфайли Ангрен шаҳри тез юксалди. Янги-янги саноат корхоналари қад кўтар-ди. 1969 йилда давлат комис-сияси комсомоллар ўзларининг зарбдор қурилишлари деб эълон қилган ВУНСМ 40 йиллиги номли Ангрен ГРЭСини қа-бул қилиб олди. Сўнгра ке-раминга комбинати қурилди. Эндилкида бу комбинат ке-рамин қувурлар, мозик плиталар ишлаб чиқармоқда. Бу ерда қувавлар муттасил ошариб бо-ришмоқда. Маҳсулот сифати эса кун сайин яхшиланаётди. Қурилиш материаллари комби-нати эса реконструкция қили-наётди. Бу комбинат ҳар йили 40 минг тонна рангли цемент ишлаб чиқара бошлайди. Ангрен ёғиш заводи уй-жойларнинг олд қисмини безатиш учун чиройли ёғиш ишлаб чиқарилган қилиб реконструкция қилинаётди.

Шахримиз қиёфаси бекиёс ўзгарди. Эндилкида шаҳар аҳо-лиси 90 мингга яқин, шаҳар-нинг архитектура қиёфаси ҳам

йилдан-йилга ўзгариб бормоқ-да, янги уй-жойлар қад кўтар-моқда, янги майдонлар, кўрнам кўчалар, бог ва хибонлар бар-по этилди.

Шаҳар меҳнаткашлари Анг-ренни Ўзбекистондаги гўзал шаҳарга айлантириш учун ку-рашмоқдалар. Қурувчилар ша-ҳар меҳнаткашларини шинам уй-жой билан таъминлаш учун зўр гайрат қилаётдилар. Шу йилнинг ўзида бинокорлар йи-лига 62 минг квадрат метр саҳли уй қуриш учун конст-рукциялар тайёрлаб берадиган уйсозлик комбинатини ишга ту-ширадилар. Келгуси йилда ре-зина-шина комбинати қурила-ни бошлаб юборилади. Беш йиллик давомида кино-фото ап-паратлар заводи қуриб битка-зилади. Ҳар йили шаҳарда 50 минг квадрат метр уй-жой қу-рилиши мўлжалланмоқда.

Эндилкида Ангрен Ўзбеки-стоннинг йирик ёқилги-энергети-ка базаси сифатидагина эмас, балки ўзининг маданият уюм-лари билан ҳам машҳурдир.

Шаҳардаги 33 мактабда 20 мингдан ортиқ ўқувчи билим олмоқда. Бундан ташқари, 6 та ишчи-ёшлар мактаби ишлаб турибди. Шаҳарда педагогика институти, политехника инсти-тутининг умумтехника факульт-ети, қурилиш техникуми, ме-дицина билим юрти, 2 та ҳу-нар-техника билим юрти, бола-лар спорт мактаби, музика мак-таби ва бошқа муассасалар бор.

Энг муҳими, шахримизда аjoyиб новатор ишчилар, Со-циалистик Меҳнат Қаҳрамонла-ри етишиб чиқди. Биз Соци-

листик Меҳнат Қаҳрамонлари экскаватор машинисти Алиқу-лов, 9-шахта ишчиси Турғун Ҳасанов, меҳнат ветеранлари Федор Мариничев, Пётр Тага-нов, Ҳалим Гатаулин, Федор Фои, Николай Новиков, Фаина Шарипова ва бошқа ишчилари-миз билан фахрланамиз.

Шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорлари-ни амалга ошириш учун кура-шиб, Ангреннинг 25 йиллигини меҳнатда янги-янги муваффақ-иятлар билан кутиб олдилар. Шаҳар саноати маҳсулот ре-ализация қилиш ярим йиллик планини муддатидан ўн кун аввал бажариб, планга қўшим-ча 1 миллион 704,5 минг сум-лик маҳсулот реализация қил-ди. Ярим йил ичида планга қў-шимча 109,5 минг тонна кў-мир, 23279 киловатт соат электр қуввати, 576 минг дона гишт, 5 минг тонна цемент, 32 минг куб метр қоруда мате-риаллар ва бошқа жуда кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарил-лар.

Меҳнат Қизил Байроқ ор-денли кўмир разрез олтн ой-лик плани 106,5 процент ба-жариб ёки йил бошидан буён планга қўшимча 90,6 минг тон-на кўмир қазиб чиқарди.

Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли эса ярим йил-ликда капитал маблагларин ўзлаштириш плани 109 про-цент бажарилди. Шу вақт ичи-да 17496 квадрат метр саҳли уй-жойлар фойдаланишга топ-ширилди.

Қурилишни бошқариш тако-миллаштирилмоқда, бошқариш-нинг комплекст автоматлашти-рилган системаси жорий эти-лаётди.

Ангрен шаҳрининг қончил-ри, механизаторлари, қурувчи-лари — социалистик шаҳар-нинг шонли ишчилари партия XXIV съезди белгилаб берган улуғвор режаларни муваффа-қият билан амалга ошириш учун зўр гайрат билан меҳнат қиладилар.

А. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон КП Ангрен
шаҳар комитетининг би-
ричи секретари.

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

БУХОРО. (ЎзТАГ). Область со-ноат корхоналарининг меҳнатчи-лари москваликларнинг ем-хашак тайёрлашда чорвадорларга ку-маклашиш соҳасидаги ташаббу-сини қизғин қўллаб-қувватладилар. Ҳозирнинг ўзидеёқ шахерликлар-дан ўн беш мингга яқин киши пичан ўримида қатнашди.

Бухоро, Когон, Навоий ва бош-қа шаҳар ҳамда район марказла-рининг комсомоллари ем-хашак тайёрловчи бригадаларга тузишди. Ёшлар бўш вақтларида шу брига-даларда меҳнат қиладилар. Ма-салан, «Гигант» совхозда тешаб-бускорларнинг учта бригадаси ишлармоқда. Бу бригадаларда 120 дан ортиқ киши бор.

Бу йил Бухоро областининг қишлоқ меҳнатчилари 421 минг тонна деғал хашак тайёрлашлари, чорак миллион тонна силос бос-тиришлари керак. Бу муҳим иш-га шахерликлар ҳам катта ҳисса қўшадилар.

МЕХНАТ ЗАФАРЛАРИ

Бобенер баш меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг даст-лабки йилида аjoyиб меҳнат за-фарларини кўтга кiritмоқдалар. Улар давлат хазинасига 1200 дона ўрғина 1744 дона қора-кўп тери ва 120 тонна си-фатли кўп мева қада қилдилар. Давлатга қоракўп тери сотиш йи-лиги плани 135 процент, кўп ме-ва сотиш эса 105 процент бажари-лди. Бу улкан ютуқларга эри-шмоқда районнинг «Коммунизм», «Зафаршо», «Ленинград», Капи-нин номи колхозларининг азамат чорвадорлари, миришор бобго-нлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

У. НУКАРОВ.

ТЕАТРЛАРНИНГ ҲАМДУСТИЛИГИ

УРГАНЧ. 6 июль. (ЎзТАГ). Сурхондарё область музикали драма театри артистлари Шо-вот райондаги Ленин номи колхозга меҳмон бўлиб келиш-ди. Улар 3. Фатхуллиннинг «Кумуш тўй» музикали драма-сини қишлоқ клуби саҳнасида кўрсатдилар. Сурхондарёлик артистлар икки гуруҳга бўли-либ областнинг кўпгина колхоз ва совхозларига борадилар.

Хоразм областидаги Оғаҳи номи музикали драма ва комед-ия театри артистларидан ка-та бир гуруҳи эса навбатда Сурхондарёга жўнаб кетишди.

ФИЛОЛОГНИНГ ТОПИЛМАСИ

«Қорақалпоқ олими Камол Мамбетов XIII асрда яшаб, ижод эт-ган форе-тожик шайри Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулис-тон» асари таржимасининг қўлёзмасини Автоном Республика шир-молидаги Қирғонот овулидан топиб, бу надиий қўлёзма филолог-лар учун жуда катта аҳамиятга эга.

Олимнинг аниқлашча, бу топилма Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демиясининг шарқшунослик институти фондида сақланган «Гу-листон» асарининг қўлёзмасига асосан ўқшаш. Аммо фарқ қила-

диган томонлари ҳам бор. «Гулистон»нинг маҳаллий қўлёзмаси XIX асрда яшаб, ижод этган хивалик тавилли Шайр Оғаҳи томонидан қилинган ўзбекча таржимадан қорақалпоқ нотиб кўли билан кў-чирилган. Унда қорақалпоқ тилининг элементлари учрайди.

Ҳозирги вақтда қорақалпоқ филологлари шарқ илмисларининг қўлёзмалари ва бошқа асарларни қидириш ишларини олиб бо-ришмоқдалар.

М. Чимберенов, ЎзТАГ мухбири.

диган томонлари ҳам бор. «Гулистон»нинг маҳаллий қўлёзмаси XIX асрда яшаб, ижод этган хивалик тавилли Шайр Оғаҳи томонидан қилинган ўзбекча таржимадан қорақалпоқ нотиб кўли билан кў-чирилган. Унда қорақалпоқ тилининг элементлари учрайди.

Ҳозирги вақтда қорақалпоқ филологлари шарқ илмисларининг қўлёзмалари ва бошқа асарларни қидириш ишларини олиб бо-ришмоқдалар.

М. Чимберенов, ЎзТАГ мухбири.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

СЕНАЖ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

Янги ўрилган беданинг намлиги 70-80 процент ва ҳатто ундан ҳам кўп бўлади. Бедани кўк ҳолда траншеяларда сенаж сифатида сақлаш учун ундаги намлик миқ-дорини уртача 50-55 процентга етказмоқ керак. Бунга асосан икки йўл билан эришилмоқда: бе-дани ўрилгандан сўнг безазорда сўлтиш ва беда таркибига доғли экинлар сомондан керакли мик-дорда қўшиш.

Самарқанд районидagi «Моск-вен колхоз» ва бошқа хўжаликлар 1970 йилдан бошлаб беда намли-гини қаматиришда иккинчи йўл-ни яъни сомон қўшиш усулини қўллаб келмоқдалар. Бедага со-мон қўшиш ва уни яхшилаб ара-лаштириш натижасида керакли микдордаги намликни сақлаб қо-лган ҳолда юқори сифатли сенаж тайёрламоқдалар.

Бедани ўрилган беданинг намлиги 70-80 процент ва ҳатто ундан ҳам кўп бўлади. Бедани кўк ҳолда траншеяларда сенаж сифатида сақлаш учун ундаги намлик миқ-дорини уртача 50-55 процентга етказмоқ керак. Бунга асосан икки йўл билан эришилмоқда: бе-дани ўрилгандан сўнг безазорда сўлтиш ва беда таркибига доғли экинлар сомондан керакли мик-дорда қўшиш.

Самарқанд районидagi «Моск-вен колхоз» ва бошқа хўжаликлар 1970 йилдан бошлаб беда намли-гини қаматиришда иккинчи йўл-ни яъни сомон қўшиш усулини қўллаб келмоқдалар. Бедага со-мон қўшиш ва уни яхшилаб ара-лаштириш натижасида керакли микдордаги намликни сақлаб қо-лган ҳолда юқори сифатли сенаж тайёрламоқдалар.

Лекин шундай хўжаликлар ҳам борки, улар беда-сомон сенаж тайёрлаш технологиясини бузиб, тайёрланган озуқа сифатининг ёмон бўлишига йўл қўймоқдалар. Улар траншеяга 2,5-3 метр қалин-ликда кўк бедани босиб, устидан сомон сепадилар. Ўз-ўзидан ма-ълумки, бундай «аралаштириш» натижасида беда тез қизиб кета-ди. Чунки, бундай беданинг на-млиги юқориликка қолади. Қизиб натижасида сенажнинг сифати бу-зилади, у қораяди, ҳар хил за-рарли бактериялар ривожланади. Бу эса озуқа таркибидagi орга-ник моддаларнинг чиришига оли-келади. Сенажда ёғ кислотасининг ҳосил бўлиши чириш аломатидан далолат беради.

Маълумки, доғли экинлардан олинадиган сомонда намлик жуда кам бўлади. Сомонни сенаж қи-лиш жараёнида беда таркибига маълум микдорда қўшсақ, аёва-б, бедадаги суғи керакли мик-дорда қаматиришга эришамиз, қолверса, беда суғи ҳисобига анча юқошган ва тўйимлиги за-рарли сомонга эга бўламиз.

Беда ва сомондан сенаж қилиш технологиясига қаттиқ риоз қи-лиш иш олиб боришга сенаж бу-зишмайди, ундаги оқсил ва бошқа тўйимли моддалар, витаминлар даярили тўйимига сақланиб қолади.

Технологик қонда бўйича 2-3 тонна кўл бедага бир тонна май-даланган курак сомон аралашти-рилса қифоядир. Сомон микдо-рини беданинг намлигига қараб ўзгартириш мумкин.

Беда ва сомонни қайси тартиб-да аралаштириш керак. Бунинг учун жамғарилган беда ва сомон-ни майдалаб граншеяга босилади, ёки «КПР-1,5» ўриш-майдалаш а-грегатидан ўтказилиб траншеяга 20-25 сантиметр қалинликда ётқи-зилиб, устига курак сомонни юпқа қилиб сеппи керак. Бу жараёни-ко траншея тўлғуна такрорлаш лозим.

Сенажни босиш учун «С-100», «С-80» ва «ДТ-75» тракторлари ишлатилади. Чунки трактор гилди-

Бедани ўрилган беданинг намлиги 70-80 процент ва ҳатто ундан ҳам кўп бўлади. Бедани кўк ҳолда траншеяларда сенаж сифатида сақлаш учун ундаги намлик миқ-дорини уртача 50-55 процентга етказмоқ керак. Бунга асосан икки йўл билан эришилмоқда: бе-дани ўрилгандан сўнг безазорда сўлтиш ва беда таркибига доғли экинлар сомондан керакли мик-дорда қўшиш.

Самарқанд районидagi «Моск-вен колхоз» ва бошқа хўжаликлар 1970 йилдан бошлаб беда намли-гини қаматиришда иккинчи йўл-ни яъни сомон қўшиш усулини қўллаб келмоқдалар. Бедага со-мон қўшиш ва уни яхшилаб ара-лаштириш натижасида керакли микдордаги намликни сақлаб қо-лган ҳолда юқори сифатли сенаж тайёрламоқдалар.

ОММАВИЙ ХАШАР

ЯНГИЙЎЛ. «Совет Ўзбекистони» махсус муҳбири. Район чорва-дорлари сенаж тайёрлаш йиллик планини бажарилар, ўраларга 5 минг тонна юқори сифатли сўли-тилган беда босилди. 7180 гектар беда майдонининг ҳар гектаридан олтинган ҳосил ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан анча кўп бўлди. Ленин номи, «Ленинизм» «Коммунизм» колхозлари, Свердлов номи совхозда ҳозирнинг ўзидеёқ бир ярим йиллик план микдорда сенаж тайёрланди.

Районда ем-хашак тўплаш учун бошланган оммавий хашар кун са-йин авж олдирилди. Утган ша-ба ва якшанба кунлари шаҳар ҳамда район маркази аҳолисида

500 киши хашак ўримида чиқди. Район партия комитети, район ик-роия комитети, шаҳар ва район комсомол комитетлари, халқ маор-ифи бўлими, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бошқармаси хо-дими хашак ўришда ёнқисса қилди қатнашдилар. Ленин ва Ка-пителин қишлоқ Советларининг иш-чи ва хизматчилари икки кунда 8-10 кунлик норма микдорда хашак ўрдилар.

Район хўжаликларида хашак ўриш, сенаж тайёрлаш қизғин да-вом этиляпти. Айни пайтда маккажўрордан силос босириш-га тараддуд қўриляпти.

қудратли иттифоққа жуда кўп турли халқларнинг жипслаш-ганлиги Советларнинг тинч даврида эришган энг буюк ғала-баларидан биридир. Миллий мо-жароларни тинч бартараф қи-лиш каби ҳаётий проблема хо-зирги замон кишии олдига турган бир вақтда Советлар уни муваффақиятли ҳал этиш мумкин эканлигини кўрсатди-лар».

Ватанимиз барча миллат ва элатларнинг бирлиги социали-змнинг жуда буюк ғалабасидир. Партия ленинча миллий сие-сатининг моҳияти ҳамма миллат-ларга — катта миллатларга ҳам, кичик миллатларга ҳам ҳар тарафлама иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлаб бериш, уларнинг бир-бирига аста-секин яқинлашувига ер-дамлашдан иборат. Бизнинг мамлакатимизда социалистик қурилиш давомида кишиларнинг тарихий янги бирлиги — совет халқи вужудга келди.

Совет кишилари қонуний иф-тихор билан шуни қайд этмоқ-даларки, бизнинг жамиятимиз эндилкида ишчилар синфи, кол-хозчи деҳқонлар, зиелиларнинг жуда мустақкам бирлигига, турли миллатларга мансуб бўл-ган ва коммунистик қурилиш вазифаларини биргаликда ҳал қилаётган меҳнаткашларнинг энг жипслашган қардошларча ҳамкорлиги намунаси бўлиб бу-тун дунё олдига намойиш бўл-моқда.

Имперализм ўз пропаганда-сида социалистик мамлакатлар-нинг ҳамкорлигига қўтариб ҳу-жум қилмоқда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ора-сида адоват ва ишонсизлик тарқатиш, уларни бир-биридан айлантириш ташаббуси, жаҳон рево-люцион тараққиётга уларнинг ўтказиб бериш ташаббуси, заиф-лаштиришга жон-жаҳд билан уришмоқда. Имперализм со-циализм позицияларини жаҳон

бўйлаб заифлаштириш ва бар-бод қилиш стратегиясини ишга солиб, миллатчиликни авж ол-дириш, ревизионизм, антисо-циалистик элементларни қўл-лаб-қувватлаш, социалистик мамлакатлар ўртасидаги муно-сабатларга нифоқ солишга қа-ратилган идеологик диверсия-лардан ҳам фойдаланмоқда.

Бундай ҳужурачлар қарамай, жаҳон социализм системаси то-бора мустақкамлашиб бормоқда, пролетар интернационализм идеологияси халқлар оғидан тобора чуқур жой олмоқда.

Имперализм социализм дунёсига қарши идеология ҳу-жумини кенг авж олдираётган, социализм дунёсини йўқ қилиб ташлаш режаларини тўзаятган ва социалистик мамлакатларга қарши қўрувчилик ишларини кучайтираётган ҳозирги вазият-да бирдан-бир тўғри сие-сат — пролетар интернационализм принципларига беиҳоя содиқ бўлиш, барча социалистик мам-лакатлар сие-сий бирлигининг энг мустақкам бўлишига эри-шиш сие-сатидир. Икки дунё ва икки идеология ўртасида кескин кураш бораётган ҳозирги вақт-да унутмаслик керакки, қарсда ҳушёрлик ўтмаслашса, икки-дунё заруриятга сие-сий ёдо-қоримасиз. Ҳа, ерда империа-листларнинг кирдиқорлари му-айян натижаларга олиб келади: ўнг оппортунистик ва ҳатто ош-қорак антисоциалистик элемен-тар активлашди, миллатчилик кайфиятлари кучайди.

Буржуа идеологиясини қўпича буржуа демократиясини идеал-лаштириш, марксизм-ленинизм-ни ревизия қилиш, турли-туман миллатчилик байроғи остида со-циалистик мамлакатларга суку-лал қилмоқда. Миллатчиликка ён бериш, баъзан эса миллат-чилик ва ҳатто шовинистик по-зицияларга ошқорат ўтиш «сўл» ва ўнг оппортунизмни қўпича

бирлаштирадиган белги бўлиб қолди. В. И. Ленин оппорту-низмнинг бу алоқасини аллақа-чонлар фох қилиб ташлаган эди.

Пролетар интернационализм социализм тараққиётининг муш-тарак қонуниятидир. Шу билан бирга социалистик мамлакат-ларнинг ҳар тарафлама иқтисо-дий, сие-сий, ҳарбий ва диплома-тик ҳамкорлиги шу давлатлар-нинг ҳар қайсиси мамлакат си-фатига ўзига хос ва унинг та-рихий сие-сий иқтисодий ёни ге-ография хусусиятларига эга бўл-майди, бўлиши ҳам мумкин эмас, деган маънони билдирмай-ди. Пролетар интернационализм ҳозирги дунёнинг бутун хил-ма-хилигини асло ичкор этмай-ди, социализм куриш усуллари, методларининг меҳаник равиш-да бир-бирига ўхшашлигини та-лаб қилмайди, балки муштарак интернационал вазифаларни ҳал этишга интилиш ва унинг йўл-ларини топа билишни тақозо этади.

Капитализм табиятига хос бўлган эндидаги социализм табиятига бегонадир. Социали-стик мамлакатлар ўртасида да-рражаси ҳар хиллигини, улар-нинг соиал структурасини, халқаро аҳоли, уларнинг мил-лий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва шулардан келиб чи-қадиган баъзи бир тафовутлар пайдо бўлиши мумкин. Комму-нистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда Москвада бўлиб ўт-ган Кенгашида уттириб ўтилга-нидек, бу тафовутлар пролетар интернационализм асосида, ўр-тоқларча муҳокама қилиш ва илтифрийлик, қардошларча ҳам-корлик йўли билан муваффа-қиятли ҳал этила олади ва ҳал этилиши лозим. Бу тафовутлар социалистик давлатларнинг им-перализмга қарши қаратилган

ягона фронтини бузмаслиги ке-рак.

Социалистик мамлакатларнинг халқаро социалистик ҳамкорли-ги — бирон-бир давлатнинг субъектив хоҳиши эмас. Бу та-биий эҳтиёж, умумий вазифа ҳамда мақсадлар тақозо этаёт-ган объектив заруратдир. Ана шу ҳамкорлик туфайли социа-лизм қурилиш вазифалари ҳал этилмоқда, социализмнинг халқ-аро аҳоли мустақамлашмоқда, бу эса кучлар нисбатини жаҳон миқёсида социализм, тинчлик ва демократия фойдасига ўзгарти-рмоқда, имперализмни чеки-нишга мажбур этмоқда.

Социализм ва коммунизм учун курашда пролетар интер-национализм интернациона-лизмни миллийлик билан тўғ-ри уйғунлаштиришни талаб қилади. Шу нарса шубҳасизки, социализм қурилиш ҳар қайси мамлакатда яшовчи ҳар бир халқнинг ишдир. Бироқ социа-лизмнинг муваффақиятли қури-лиш бутун жаҳон социалистик лагерининг интернационал ку-раши билан таъминланади.

В. И. Ленин интернационал манфаатлар билан миллий ман-фаатларга социализм куриш ва уни ҳимоя қилишда ҳаминча ях-лид бир бутун нарса сифатида қараш керак деб таълим берган эди. В. И. Ленин социализмни ўзининг хусусий «миллий хо-на-дон»га олиб киришга интилу-чиларга, ўзининг тор миллий манфаатларини қўлаб жаҳон социалистик революцияси ман-фаатларига ҳиёнат қилувчи мил-латчилар — социалистларга нисбатан муросасиз эди.

СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИЛАРИ Г. Т. ДОБРОВОЛЬСКИЙ, В. Н. ВОЛКОВ, В. И. ПАЦЕВЛАРНИНГ ҲАЛОҚ БЎЛИШ САБАБЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

«Союз-11» космик немаси учинининг параметрлари ёзуви ўрганилгандан кейин шу нарса аниқландики, Ерга тушиш участкасига қаманинг учини нормал ўтган. Космонавтлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков, В. И. Пачевлар учини про-граммасига мувофиқ ҳаракат қилганлар.

Кеманинг ерга тушиш участ-касида қўнишдан 30 минут ав-вал тушириладиган аппаратда босим тез пасая бортан, бу эса космонавтларнинг тўсатдан

Ҳалок бўлишига сабаб бўлган. Медицина ва патология ана-томия текширишлари ана шунини тасдиқлайди.

Кеманинг серметиклиги бу-зилганлиги оқибатида босим па-сайиб кетган. Оқсита Ерга қўн-дан туширилувчи аппарат қўн-дан кеңиритилганида унинг кон-струкциясида бузилиш йўқлиги аниқланди.

Техникавий анализ серметик-лиги бузилишининг бир қанча таҳминий сабабларини аниқлаш имконини берди, бу сабабларни тадиққ этиш давом этмоқда.

М. ХОЛМУХАМЕДОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

Ю. ЗИЕДОВ.

